



ILMIY ELEKTRON JURNAL

ЁГ-МОЙ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТАЪМИНОТ ЗАНЖИРИНИ БОШҚРИШДА ERP-ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Юлдашев Абдухаким Абдукаримович
ТДИУ Бизнес бошқаруви кафедраси доценти в.б., PhD

Аннотация

Уибу мақолада ёг-мой корхоналарини хомашё захирасини тўлдириши, ёг-мой корхоналарининг хомашё таъминотини яхшилашида замонавий ахборот тизимларидан фойдаланиши натижасида эришиладиган самараадорлик тадқиқ қилинган.

Аннотация

В данной статье изучается эффективность применения современных информационных систем в пополнении сырьевого запаса, улучшении снабжения предприятий масложировых предприятий.

Annotation

This article studies the effectiveness of using modern information systems in replenishing raw material stocks, improving the supply of oil and fat enterprises.

Калим сўзлар

Таъминот занжирини бошқарииш, хомайишё таминоти, таъминот, захираларни бошқарииш, ERP-тизимлари.

Ключевые слова

Управление цепями поставок, закупка сырья, логистика, управление запасами, ERP-системы.

Keywords

Supply chain management, raw material procurement, logistics, inventory management, ERP systems.

Кириш

Глобаллашув шароитида ёг-мой корхоналари фаолияти, ўсимлик мойи бозори муҳитини юқори даражадаги рақобати ёг-мой корхоналарига ахборот технологияларини фаол жорий этиш шароитида амалга оширилади. Ёг-мой

корхоналари фаолиятини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада аҳоли истеъмоли учун “2011-2018 йилларда ўсимлик мойининг жаҳон бозори САГР атрофида 4 фоизга ўсганлигини ва 2019 йилда истеъмол ҳажми эса 200,1 миллион тоннани ташкил этишини назарда тутадиган бўлсак, бундай шароитда корхонанинг бошқарув фаолиятини такомиллаштириш ва биринчи навбатда корхонанинг таъминот занжирини бошқаришда ERP-тизимидан фойдаланиш алоҳида ўрин тутади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

АҚШлик олим, Эморий университети профессори Роберт К. Казанжианнинг фикрига кўра “ERP тизимларининг асосий афзаллиги - бу бизнес процесларнинг интеграциялашуви. Ёғ-мой корхоналарида бу хом ашё оқимининг 35% гача яхшиланишига олиб келади. Бирок, энг катта муаммо - бу ишчиларнинг қаршилиги бўлиб, лойиҳаларнинг 40% шу сабабдан муваффақиятсизликка учрайди” [7].

Хиндистонлик олим, Хиндистон технологик институти профессори Суреш Кумарнинг фикрига кўра, “ERP тизимларига киритилган инвестицияларни қайтиш муддати корхона хажмига қараб 1,5-3,5 йилда ўзини қоплайди”[7].

Сингапур миллий университети профессори Вэй Чэн эса олиб борган тадқиқоти натижасида пальма ёғини ишлаб чиқарувчи корхонада ERP тизимлари логистика харажатларини 22% камайганлиги ҳамда бу орқали корхонанинг йиллик харажатларини 4,2 млн долларга тежаш имконини берган[4].

Россиялик олим Елена Петрованинг фикрига кўра, ERP-тизими муваффақиятининг 80% унинг ишлаб чиқариш жараёнига мослаштирилганлигига боғлиқ. Ёғ-мой корхоналари учун ERP-тизимининг маҳсус модулларини ишлаб чиқиш корхонанинг самарадорлигини 25-40% оширади[5].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологик асоси ERP-тизими ёрдамида ёғ-мой корхоналарининг таъминот занжирини яхшилаш, ёғ-мой корхоналарининг таъминот тизимини самарадорлигини ошириш. Таҳлил жараёнида таққослаш, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган. Кузатув методи орқали замонавий логистиканинг ҳолати баҳоланган ва абстракт-мантиқий фикрлаш орқали тегишли хуросалар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар

Шу билан бирга, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида Рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш. Ҳусусан, иқтисодиётни реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларини рақамлаштириш. Бу бўйича иқтисодиётни реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларини автоматлаштириш бўйича манзилли дастурни тасдиқлаш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш (ERP) тизимларидан фойдаланиш,

Агросаноат корхоналарини хом ашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар ошириш бўйича 2022 йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш, қайта ишлаш қувватларини 3,1 млн тоннага ва қайта ишлаш даражасини 16 фоизга етказиш; озиқ-овқат маҳсулотлари ассортиментини (қайта ишланган гўшт-сут, мева сабзавот, ёғ-мой ва бошқалар) 898тадан 1100 тага етказиш вазифалари белгилаб берилган.

Ёғ-мой корхоналарининг таъминот занжирини такомиллаштириш ва энг аввало, уни ресурс билан таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Харид қилиш жараёнини ривожлантиришнинг долзарблиги корхона учун хомашё соҳасида бўлганлиги, тадбиркорлик субъектининг самарадорлигини оширишнинг муҳим захиралари мавжудлиги билан боғлиқ.

Корхонанинг таъминот занжирини бошқариш тизимини такомиллаштириш заруратини чуқур ўрганиш учун янги воситалар, бошқарувнинг янги усусларини излаш, иқтисодий фанни концептуал асосларини ва таҳлил доирасини кенгайтиришга йўналтириш ҳамда ресурслар назариясининг асосий тамойилларини тадбиқ этишни тақазо этади.


Таъкидлаш жоизки, рақамли иқтисодиётга ўтиш билан корхоналар ишлаб чиқариши ва маркетинги, шунингдек, моддий-техник таъминот, транспорт, омборхоналар ҳамда ахборот тизимлари соҳасидаги сиёсатини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлмоқдалар. Рақобат шароитига таркибий жиҳатдан мослашиш, корхонани янги мақсадларга йўналтириш, яъни ички ва ташқи бозор учун мўлжалланган кенг турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш жараёнининг янги босқичда янги муаммоларни пайдо бўлишига олиб келади.

ERP тизими (Enterprise Resurs Planing – Корхона ресурсларини бошқариш) - бу барча асосий иш жараёнларини режалаштириш, ҳисобга олиш, назорат қилиш ва таҳлил қилишни автоматлаштириш, корхона бўйича ишлаб чиқариш жараёнидаги муаммоларини ҳал қилиш учун корпоратив ахборот тизимири. ERP тизими корхонанинг барча бўлимлари ва функцияларини ягона тизимга бирлаштиришга ёрдам беради. Шу билан бирга барча бўлимларни ягона маълумотлар базаси билан ишлаш ва улар учун бир-бирлари билан барча турдаги маълумот алмашишни осонлаштиради.

ERP тизими бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби, омборларни бошқариш, моддий ва бошқа ресурсларни инвентаризация қилиш ва бошқа логистика операциялари, омбор, ходимларни ҳисобга олиш, мижозлар билан муносабатларни бошқариш каби турли хил функционал модулларни ўз ичига олади. Бирлаштирилган ERP тизимининг турли дастурий модуллари логистика, молия ва лойиҳаларни бошқариш учун эскирган турли хил ахборот тизимларини алмаштириш имконини беради. Барча маълумотлар битта маълумотлар базасида сақланади, уларни исталган вақтда сўров бўйича олиш

Дарҳақиқат, дунёда ERP тизимларининг ривожланиши обьектив ҳодиса, чунки унинг ривожланишининг бу босқичида жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши билан боғлиқ, аммо компаниялар ҳали ҳам ERP тизимларини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ёки лойиҳани амалга ошириш босқичи. Шу билан бирга, глобал тенденциялар мижозлар эҳтиёжини

қондириш даражаси ошиши, ERP тизимларини режалаштириш учун режалаштирилган бюджетнинг ҳаддан ташқари пасайиши ва ушбу дастурий маҳсулотни етказиб берувчилар учун бозорда юқори рақобатни кўрсатмоқда.



1-расм. 2024 йилларда ёғ-мой корхоналарининг таъминот занжирини бошқаришда ERP тизимини қўлланиши динамикаси

Ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг ёғ-мой корхоналарининг таъминот занжирини бошқаришда ERP тизимидан самарали фойдаланиб келмоқда (1-расм). АҚШ ёғ-мой 91 фоизи таъминот занжирини бошқаришда ERP тизимидан фойдаланиб келаётганини кўришимиз мумкин. Шуниси эътиборлики, қўшни Қозоғистон Республикасининг ёғ-мой корхоналарининг 65 фоизи таъминот занжирини бошқаришда ERP тизимидан фойдаланиб келмоқда.

Юқоридаги расмда 2024 йилда ёғ-мой корхоналарининг таъминот занжирини бошқаришда ERP тизимидан фойдаланиши динамикаси келтирилган. Унга асосан корхонанинг таъминот занжирини бошқаришни рақамлаштириш ERP тизимини жорий этишдан бошланади. Мазкур тизим мураккаб ишлаб чиқаришга эга кенг ассортиментдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи, катта ҳажмдаги омборхона операцияларини амалга оширувчи иирик корхоналарда қўлланилади.

ERP тизимини қўллаш орқали ёғ-мой корхоналар қўйидаги самарадорликка эришилиши мумкин:

- Бошқарув ва операцион харажатларини 15% гача камайтиради;
- Айланма маблағларни 2 % гача тежайди;
- Сотиш билан боғлиқ даврни 25 % гача қисқартиради;
- Омбордаги захиралар суғурта даражасини 20 % гача қисқартиради;
- Моддий ресурлар 25% гача ортади;
- Хомашё ва метериалларни сотиб олиш ва омборда сақлаш харажатлари 15 фоизгача қисқаради;
- Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини 50 фоизгача қисқартиради.

ERP тизимини таъминот занжирини бошқаришда жорий этишнинг имкониятлари ва ижобий жиҳатлари

Имкониятлари

Ишлаб чиқариш режасини бажариш учун ресурслар ва бутловчи қисмларга эҳтиёжни, етказиб бериш муддати ва ҳажмини режалаштириш;

Маҳсулотларнинг (ортиқча, дефицит) тартибга солиш ва уни саклаш харажатларини камайтириш;

Талаб ўзгаришига ўз вақтида таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солиш;

Моддий ва давр харажатларини камайтириш орқали корхонанинг бизнес жараёнларини оптималлаштириш;

Харидорларга етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш сифатини назорат қилиш.

Ижобий жиҳатлари

Ортиқча хомашё захирасини камайтириш ва хомашё билан таъминлашнинг ўз вақтида бажарилиши;

Режалаштирлмаган хомашё харидларини қисқартириш (ташқари харидлар сонини камайтириш);

Маҳсулотларга нарх белгилаш самарадорлигини ошириш ва молиявий ҳисботни шакллантиришда вақтни тежаш;

Айланма маблағлар ҳажмини ошириш ва хомашё сарфини самарали назорат қилиш;

Ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш.

2-расм. Ёғ-мой корхоналарини таъминот занжирини бошқаришда ERP тизимини жорий этишнинг имкониятлари ва ижобий жиҳатлари

Шунингдек, ERP тизими корхонанинг бизнес-жараёнлари реинжиенинги ўз ичига олади. ERP тизимини жорий этиш анча узок (2-3 йил) муддат талаб этади. Шу билан бирга, ERP тизимини жорий этиш ёғ-мой корхоналарининг имкониятлари яратиб беради. (2-расм).

Юқоридаги 2-расмда ёғ-мой корхоналарини таъминот занжирини бошқаришда ERP тизимини жорий этишнинг имкониятлари ва ижобий жиҳатлари келтирилган. Хомашё захиралари ва ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда ERP тизимининг асосий вазифалари маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш технологияларининг техник хусусиятларини бошқариш, бизнес-жараёнларини режалаштириш, сотиш, сотиб олиш, захираларни ва ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришдан иборат. Бунда бизнес-жараёнларни амалга оширишда маҳсулот ишлаб чиқаришда иштирок этувчи барча ресурсларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, ERP тизими бу таъминот занжирини бошқаришда кўлланилувчи электорон тизим. Бу тизимнинг бир қатор афзалликлари билан бирган камчиликларига ҳам мавжуд. Афзалликлар шундан иборатки, авваламбор, ҳамкорлар билан алоқада бўлиш қулайлиги (масалан, ҳамколрлар бир хил дастурий таъминотдан фойдалансалар, улар билан ишлашлари осонроқ бўлади), аутсорсинг, агар корхона ўзининг дастурий таъминот (ИТ) ишланмаларини яратиш билан шуғулланмаса, у ҳолда хизмат қўрсатувчи ходимларни шататда сақлашга зарурати бўлмайди. Бу эса корхонанинг талаб ва сўровларига тезлик билан жавоб беришини таъминлайди.

ERP тизимининг камчиликлари орасида унинг юқори нархи, уни турли хилдаги фаолият билан шуғулланувчи (конгломерат) корхоналарга, шунингдек, мураккаб ва ноанаънавий ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ этишнинг мураккаблиги.

ERP тизимида ишлаб чиқариш занжирларини режалаштириш ва ишлаб чиқариш бошқаруви қуйи тизимларини амалга оширишда таъминот занжири бошқаруви концепциясини интеграциялаш, турли даражадаги режаларни синхронлаштириш ва занжир иштирокчилари бўлган корхоналар ўртасида режалаштирилган параметрларни яратади.

Таъминот занжирининг энг оддий модели тўрт элементдан иборат:

- 1) етказиб берувчи – хомашё, материаллар ва бутловчи буюмлар;
- 2) ишлаб чиқарувчи – охирги фойдаланувчи – харидорга етказиб берилувчи якуний маҳсулотни ишлаб чиқаради;
- 3) омбор ёки тақсимот маркази – маҳсулотларни саклайди ва юкни туширади;
- 4) якуний фойдаланувчи (мижоз) – маҳсулотни олади.

Таъминот занжири модели эҳтиёжлар ва тарқатиш пунктлари бўйича такрорланувчи оддий моделлардан иборат бўлиб, улар бир моделга бирлаштирилади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ва таклифлар

Юқорида олиб борилган тадқиқотлардан келиб чиқиб, ёғ-мой корхоналарининг ERP тизимини қўллаш орқали корхона қуидаги устунликларга эришиши мумкин:

- моддий ресурслар ва бутловчи қисмларга эҳтиёжни режалаштириш, уларни ўз вақтида тўлдириш, ишлаб чиқариш режасини бажариш учун етказиб бериш муддати ва ҳажмларини аниқ ҳисоблаш;
- маҳсулотлар мавжудлигини тартибга солиш (ортиқчалик ва етишмасликка йўл қўймаслик), омборда сақлаш харажатларини камайтири, сугурта захиралари даражасини камайтириш, сифатсиз захиралар ва режадан ташқари харидлар сонини камайтириш;
- талаб ўзгаришига кўра ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солиш;
- моддий ва вақтинча харажатларни камайтириш орқали корхонадаги бизнес жараёнини оптималлаштириш;

- айланма маблағлар айланишини яхшилаш;
- нархлар самарадорлигини ошириш;
- мижозларга етказиб бериш ва хизмат сифатини назорат қилиш;
- тартибга солинувчи ҳисботни шакллартириш учун меҳнат харажатларини камайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Рсепубликаси Президентининг 2019 йил 16 январданги “Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ4118-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Рсепубликаси Президентининг 2019 йил 16 январданги “Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ4118-сонли қарори

3. Хўжаев Ф.Э., Пўлатхўжаева Д.М. “Xalqaro logistika”. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ “Iqtisodchi” нашриёти 2019 й. 187-193 бет

4. Wei Chen ERP Adoption and Supply Chain Performance in Palm Oil Industry//Supply Chain Management: An International Journal, Vol. 27, No. 2, 234-251 pp. 2023

5. А. В. Петрова, А. В. Вохмянина Управление цепями поставок. Учебное пособие. 2-изд. , Екатеринбург УрГУПС 2020.– 155 s.

6. Elena Petrova Critical Success Factors for ERP in Vegetable Oil Processing// Computers in Industry Vol. 137, 1-15 pp. 2022

7. Robert K. Kazanjian ERP Systems Implementation in Food Industry: Efficiency Gains and Challenges"/ Journal of Operations Management Vol. 45, No. 3, 45-62 pp. 2022,

8. Suresh Kumar Measuring ROI of ERP in Edible Oil Manufacturing"// International Journal of Production Economics,Vol. 231, 2021, январь

9. <http://www.grandars.ru> - Энциклопедия Экономиста

10. <https://www.uza.uz/>